

## **ХИВА ХОНЛАРИ АРХИВИ ХУЖЖАТЛАРИДА ТУРКМАН ҚАБИЛАЛАРИ: ЕР ТАҚСИМОТИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ**

---

**Sapayeva Yulduz Xudayorovna**

[sternyulduz@gmail.com](mailto:sternyulduz@gmail.com)

tel: 999685779

ORCID 0009-0002-7260-1561

**Аннотация.** Мақолада XIX асрда Хива хонлари архиви ҳужжатларида қайд этилган туркман қабилаларининг ер билан таъминланиши ва миграция жараёнлари таҳлил қилинади. №5, №18, №24, №26 ва №98-дафтарлар асосида сакар, гоклен, али-или, салор, игдир, тиведжи, имрели ва човдур каби туркман гуруҳларининг ер тақсимооти, ҳудудий жойлашуви ва кўчиши ўрганилади. Архив маълумотлари ер бериш жараёнининг нукерлик ва давлат назорати билан боғлиқ бўлганини, «янги келганлар» ва «қадимдан келганлар» каби тоифалар эса миграция жараёнларининг маъмурий ҳисобга олинганини кўрсатади. Тадқиқот туркманларнинг ер муносабатлари ва ҳудудий ҳаракатларини архив манбалари асосида ўрганиш имкониятларини ёритади.

**Калит сўзлар.** Хива хонлиги, туркман қабилалари, ер тақсимооти, миграция, нукер, гоклен, сакар, али-или, Тошовуз, Қизилтакир, Хива хонлари архиви

**Кириш.** XIX асрда Хива хонлиги ҳудудида турли этник гуруҳлар, уруғ ва қабилалар яшаган бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти кўп жиҳатдан ҳудудий жойлашув, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда давлат билан муносабатлар билан боғлиқ бўлган. Хонлик ҳудудида яшаган туркман қабилалари ҳам ушбу жараёнларнинг муҳим иштирокчиларидан бири эди. Улар муайян ҳудудларда доимий яшаш билан бир қаторда, турли даврларда янги ерларни ўзлаштириш, ер билан таъминланиш ва бошқа ҳудудларга кўчиш жараёнларида иштирок этган. Туркман қабилаларининг ички тузилиши ҳам мураккаб бўлиб, улар сакар, гоклен, али-или, салор, игдир, тиведжи, имрели ва бошқа уруғ-қабилалардан ташкил топган. Хива хонлари архивида ушбу гуруҳларнинг алоҳида ҳудудларда жойлашуви, ер олган кишилари, уруғ бошлиқлари ва айрим ҳолларда уларнинг нукерлик мақоми қайд этилган. Туркманларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиши архив ҳужжатларида «қадимдан келганлар», «янги келганлар», «қолганлар» ва «келиб ер олганлар» каби тоифалар орқали акс этган. Бу маълумотлар миграция жараёнлари муайян тартибда кечганини ва давлат маъмурияти томонидан ҳисобга олинганини кўрсатади. Айниқса, али-или ва гокленлар ҳақидаги рўйхатлар уларнинг турли ҳудудларга кўчиши ва янги ерларга жойлашиш жараёнини кузатиш имконини

беради. Шу нуктаи назардан, туркман қабилаларининг миграциясини ер муносабатларидан алоҳида ўрганиб бўлмайди. Ер ажратилиши, янги ҳудудларга жойлаштириш ва нуқерлик мажбуриятлари ўзаро боғлиқ жараёнлар сифатида намоён бўлади. Мазкур мақолада Хива хонлари архивининг №5, №18, №24, №26 ва №98-дафтарларидаги маълумотлар асосида туркман қабилаларининг жойлашуви, ер тақсимооти ва миграция жараёнлари таҳлил қилинади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тарихий-қиёсий, статистик ва просопографик усуллардан фойдаланилди. Архив рўйхатларидаги туркман қабилалари, уруғлари, ер миқдори, аҳоли сони ва жойлашув ҳудудлари ўзаро қиёсланди. Статистик усул орқали ер олган кишилар сони ва таноб миқдори таҳлил қилинди. Просопографик усул ёрдамида уруғ бошлиқлари, уларнинг унвонлари ва маҳаллий жамоалардаги ўрни ўрганилди. Шунингдек, али-или ва гокленлар ҳақидаги маълумотлар асосида туркманларнинг ҳудудий кўчиши ва «қадимдан келганлар», «янги келганлар» каби тоифалар таҳлил қилинди. Архив ҳужжатларидаги ўчиришлар, кейинги қўшимчалар ва айрим рақамли номувофиқликлар ҳисобга олиниб, маълумотлар манбанинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинди. Маълумотларига кўра, хўжа уруғидан 20 киши, қадимдан келган гокленлар 281 киши, янги келган гокленлар 100 киши, қоракель гокленлари 100 киши сифатида қайд этилган. Умуман, дафтарда 501 киши қайд этилган. Мазкур маълумотлар гокленлар таркиби бир хил бўлмаганини, уларнинг турли уруғий ва ҳудудий гуруҳлардан ташкил топганини кўрсатади. Айниқса, «қадимдан келган» ва «янги келган» гокленларнинг алоҳида қайд этилиши уларнинг Хива хонлиги ҳудудига турли даврларда келиб жойлашганини кўрсатувчи муҳим тарихий маълумотдир. Бу ҳолат гокленларнинг миграция жараёни давлат маъмурияти томонидан ҳисобга олинганини ҳам кўрсатади.

Гокленлар рўйхатида Жан-қурбон, Қизил, Савронли, Кеик-савронли, Қоракўль, Янги-кўль, Оқ-кўль, Тўхтамиш ва Геркўз каби уруғ бўлинмалари қайд этилган. Демак, гокленлар ҳам ички уруғий тузилиши мураккаб бўлган қабила бирлашмаси сифатида намоён бўлади.

№98-дафтарнинг муҳим хусусиятларидан бири — кўплаб уруғ бўлинмалари бошида унвонга эга шахслар турганидир. Улар орасида аталиқ, вакил, дарға, ўнбеги, бек, хон каби унвонлар учрайди. Масалан, Жан-қурбон бўлинмаси бошида Ата-Назар-аталиқ турган. Унинг атрофида бошқа унвондор шахслар ҳам қайд этилган. Савронли бўлинмасида эса бир нечта кичик гуруҳлар бўлиб, ҳар бирининг ўз бошлиғи мавжуд бўлган. Бу ҳолат туркман жамиятининг вертикал ва горизонтал муносабатларга асосланган ижтимоий тузилишини кўрсатади. Бошқа томондан, Хива маъмурияти бундай бошлиқларни ҳужжатларга киритиш орқали қабила жамоаларини бошқариш ва ҳисобга олишда улардан фойдаланган.

Шундай қилиб, уруғ бошлиқлари давлат ва маҳаллий жамоа ўртасидаги воситачи институт сифатида намоён бўлади.

Архив ҳужжатларининг умумий таҳлили ер тақсимооти, ҳарбий хизмат ва сиёсий назорат ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлганини кўрсатади. Бир томондан, нукерларга ер берилган. Иккинчи томондан, нукерлик мақоми давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларини таъминлаган. Шу маънода ер иқтисодий ресурс бўлиш билан бирга **сиёсий ва ҳарбий ресурс** ҳам бўлган. Гўкленлар мисолида 400 нафар нукерга 50 танобдан ер ажратилиши бу муносабатнинг катта қўламда амалга оширилганини кўрсатади. Сакарлар бўйича рўйхатларда эса ер эгалари масжид ва уруғ бўйича қайд этилган.

Али-илилар бўйича ҳужжатларда «бир нукер» ва «икки нукер» белгиларининг мавжудлиги эса аҳолининг ҳарбий салоҳияти давлат учун алоҳида ҳисобланганидан далолат беради. Шундай қилиб, Хива хонлигида ер муносабатларини фақат деҳқончилик ва мулкчилик муносабатлари нуқтаи назаридан эмас, балки давлатнинг ҳарбий-маъмурий тизими билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим.

Таҳлил қилинган ҳужжатларда туркманларнинг бир нечта муҳим ҳудудларда жойлашгани кўринади.

#### **Ҳужжатларда қайд этилган асосий ҳудудлар**

| <b>Ҳудуд</b>           | <b>Қайд этилган туркманлар</b> |
|------------------------|--------------------------------|
| Таза-Ҳанобод           | Сакарлар                       |
| Қандум-қалъа           | Сакарлар                       |
| Бозёб қуйи қисми       | Човдур нукерлари               |
| Тошовуз                | Али-или                        |
| Қличбой                | Али-или                        |
| Қизилтакир             | Али-или                        |
| Шоҳмурод-иноқ ёби      | Али-или                        |
| Ақтапа                 | Имрели                         |
| Йилонли/ Илонли ҳудуди | Салор, игдир, туважи           |
| Бошқа ҳудудлар         | Гокленлар                      |

Бу ҳудудларнинг катта қисми сув тармоқлари — ёблар, каналлар ва суғориш инфратузилмаси билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу жиҳатдан туркманларни жойлаштириш масаласини Хива хонлигининг суғориш сиёсати билан боғлиқ ҳолда ўрганиш келгусидаги тадқиқотлар учун муҳим йўналишдир.

Архив ҳужжатлари миқдорий тадқиқотлар учун катта имконият яратади. Бироқ улардан статистик маълумот сифатида фойдаланишда бир қатор эҳтиёт чораларига риоя қилиш зарур. Биринчидан, айрим рўйхатлар турли вақтларда тўлдирилган. Масалан, №98-дафтарда Қоракель бўлинмасига оид варақлар кейинроқ дафтарга тикилгани кўрсатилади. Иккинчидан, исмларнинг ўчирилиши ва кейинчалик янги исмларнинг қўшилиши рўйхатларнинг динамик характерга эга бўлганини кўрсатади. Учинчидан, айрим жами рақамлар рўйхатдаги алоҳида гуруҳлар йиғиндиси билан тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Тўртинчидан, баъзи шахслар икки кишидан иборат ҳолда «бир нукер» сифатида қайд этилган. Демак, кишилар сони ва ҳарбий birlikлар сонини бир-бирига тенглаштириб бўлмайди.

Шу сабабли архив статистикасини таҳлил қилишда «киши», «ер эгаси», «нукер» ва «уруғ гуруҳи» тушунчаларини алоҳида ҳисоб birlikлари сифатида ажратиш зарур.

**Муҳокама.** Келтирилган материаллар асосида XIX асрда Хива хонлигида туркманларга нисбатан амалга оширилган сиёсатни уч асосий йўналишда кўриш мумкин. Биринчи йўналиш — ер билан таъминлаш, Давлат туркманларга турли ҳажмдаги ер майдонларини ажратган. Айрим ҳолларда ҳар бир нукерга 50 танобдан ер берилган.

Иккинчи йўналиш — ҳудудий жойлаштириш. Али-или ва гокленлар ҳақидаги ҳужжатларда «янги келганлар», «қадимдан келганлар», «қолганлар» ва «келиб ер олганлар» каби тоифалар мавжуд. Бу давлатнинг миграцион жараёнларни ҳисобга олганини кўрсатади. Учинчи йўналиш — сиёсий назорат. Уруғ оқсоқолларининг давлат олдида кафил бўлиши туркман жамоаларини бошқаришда жамоавий масъулият механизми мавжуд бўлганини кўрсатади. Бу уч омил бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ер - жойлашув - нукерлик - давлатга мажбурият - сиёсий назорат занжири Хива хонлиги ва туркман қабилалари ўртасидаги муносабатларнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида кўринади.

**Хулоса.** Хива хонлари архивининг туркманларга оид ҳужжатлари XIX асрда Хива хонлиги ва туркман қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Биринчидан, Хива хонлигида туркманлар давлатнинг оддий периферик аҳолиси сифатида эмас, балки иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим ижтимоий куч сифатида ҳисобга олинган. Уларга ер ажратилиши кўп ҳолларда нукерлик ва давлат хизмати билан боғланган. Иккинчидан, туркман жамияти архив ҳужжатларида қабила ва уруғ тузилмаси асосида қайд этилган. Сакар, гоклен, али-или, салор, игдир, тиведжи ва имрели каби гуруҳлар таркибида яна кўплаб кичик уруғ бўлинмалари мавжуд бўлган. Учинчидан, ер тақсимооти турли

ҳажмларда амалга оширилган. 5, 10, 12,5, 20 ва 50 таноб каби миқдорлар турли ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни акс эттирган. Тўртинчидан, али-или ва гокленларга оид ҳужжатлар туркманларнинг ҳудудий кўчиши ва янги жойларга ўрнашиш жараёнини кузатиш имконини беради. «Янги келганлар» ва «қадимдан келганлар»ни алоҳида ҳисобга олиш давлат маъмуриятининг миграция жараёнларини қайд этганини кўрсатади. Бешинчидан, нукерлик институти ер муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. «Бир нукер» ва «икки нукер» каби белгилар туркман аҳолисининг ҳарбий салоҳияти ҳам ҳисобга олинганини кўрсатади. Олтинчидан, уруғ бошлиқлари Хива давлат маъмурияти билан маҳаллий туркман жамоалари ўртасидаги муҳим воситачи куч бўлган. Уларнинг ўз уруғлари учун кафил бўлиши давлатнинг қабила бошлиқлари орқали назорат механизмларидан фойдаланганини кўрсатади.

Еттинчидан, туркманларни жойлаштириш жараёнини Хива хонлигининг ер-сув сиёсати билан биргаликда ўрганиш зарур. Чунки архивда туркманлар жойлашуви кўп ҳолларда ёблар, каналлар ва муайян суғориладиган ҳудудлар билан боғлиқ ҳолда қайд этилган. Умуман олганда, Хива хонлари архиви ҳужжатлари XIX асрда туркманларнинг ижтимоий тарихи, этник-уруғий таркиби, миграцияси, ер эгаллиги ва давлат билан муносабатларини микро-тарихий даражада тадқиқ этиш учун ноёб имконият беради. Шу билан бирга, келгусида мазкур ҳужжатларни географик ахборот тизимлари, генеалогик маълумотлар ва бошқа Хива хроникалари билан қиёсий ўрганиш туркманларнинг ҳудудий ҳаракати ва ер муносабатлари тарихини янада аниқлаш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Иванов П. П. Архив хивинских ханов XIX в.: исследование и описание документов с историческим введением. Новые источники для истории народов Средней Азии. Ленинград: Государственная публичная библиотека им. М. Е. Салтыкова-Щедрина, 1940. 290 с.
2. Иванов П. П. Архив хивинских ханов. Новые источники для истории Средней Азии XIX в. // Записки Института востоковедения Академии наук СССР. Т. VII. Ленинград, 1939. С. 5–26.
3. Документы по истории туркмен из архива хивинских ханов. Предисловие и документальные материалы.
4. Юлдашев М. Ю. Новые архивные источники по истории Средней Азии. // Краткие сообщения Института востоковедения. Вып. 1. Москва, 1951. С. 35–41. Н     Наука Туркменистана

5. Юлдашев М. Ю. Землевладение и государственное устройство феодальной Хивы XIX века в свете материалов архива хивинских ханов. Ленинград, 1953. Диссертация. В
6. Юлдашев М. Ю. К истории крестьянского землевладения в Средней Азии. // Общественные науки в Узбекистане. №7. 1964. Брегель Ю. Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Москва: Наука, 1967.
7. Брегель Ю. Э. Архив хивинских ханов: предварительный обзор новых документов. // Народы Азии и Африки. 1966. №1. Н Наука Туркменистана
8. Троицкая А. Л. Земельно-водная политика хивинских ханов 1850, 1857 гг. (Заградительные плотины на притоке Аму-Дарьи). // Сборник Государственной публичной библиотеки им. М. Е. Салтыкова-Щедрина. Вып. II. Ленинград, 1954. С. 75–88. В
9. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. — туркман уруғ-қабилаларининг келиб чиқиши ва генеалогик тузилиши бўйича муҳим ёзма манба.
10. Муҳаммадризо Эрнийзбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла ва Хива хонлиги тарихига оид бошқа тарихий асарлар.
11. Баёний М. Ю. Шажараи Хоразмшоҳий. — XIX аср охири — XX аср бошларида Хоразм тарихини ўрганиш учун муҳим манбалардан бири.
12. XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. II жилд. Тошкент, 1960.
13. Иванов П. П. Материалы по истории Средней Азии. По поводу открытия архива хивинских ханов. // Историк-марксист. 1937. №3.
14. Шкапский О. А. Аму-Дарьинские очерки. К аграрному вопросу на нижней Аму-Дарье. Ташкент, 1900.